

Жаҳонга йўл

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛИ КОРХОНА

Тошкент вилоятининг sanoat корхоналари бозор муносабатлари...

минотчи-пахта» очик ҳиссадорлик жамиятлари, Куйи Чирчиқ туманидаги М. Отажонов номли кооператив хўжалиги энг йирик импортерлардан ҳисобланади.

Кадимий ва ҳамisha навқирон Шош темирчилари ва хунармандларининг довриги ўтмишда ҳам машҳур бўлган.

Тадбиркорлар орасида ҳам хорижлик ишбилармонлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган кишилар кўп.

Мамлакатимиз пойтахт вилояти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толеси, кора ва рангли металллар, кимё маҳсулотлари ўзининг юқори сифатлилиги билан хорижий ҳамкорларнинг эътиборини қозонди.

Вилоятда хорижий сармоялар ҳисобига 147 та қўшма корхона фаолият кўрсатапти.

Жорий йилнинг ўтган ойларида ташки савдо айланмаси 449,9 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди.

Янгитдан 8 та қўшма корхона ташкил этилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ташки савдо айланмаси 172,2 миллион долларни ташкил этипти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 ноябрдаги «Республика ҳудудида хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш дастурига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан 4 та хорижий инвестицияли корхона ташкил қилиш режалаштирилган.

Ташки савдо айланмасида Охангарон, Янгийўл шаҳарлари, Бекобод, Зангиота, Охангарон, Куйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Тошкент туманлари меҳнат жамоаларининг муносиб улуши бор.

«Пигмент» корхонаси шу йил фойдаланишга топширилди.

Чирчиқдаги «Ўзметаллтехнология», Олмаликдаги «Паллада Восток», Ўрта Чирчиқдаги «Қо-бу-Ўзбек», Юқори Чирчиқдаги «Джонитлает» қўшма корхоналари, «Ўзбеккимё маш», Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат», Олмалик тоғ-металлургия комбинати, Чиноз туманидаги «Та-

Америка ва Нидерландия билан ҳамкорликда «Газалкент» акциядорлик жамияти қошида йилга 2200 минг квадрат метр ойна, 30,0 минг тонна эрвучи натрий силикати, 220 минг донна шиша идиш, 1600 тонна суяк ойна ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга туширилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Бундан икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган Бўстон академик лицейи Қорақалпоғистон Республикасидаги замонавий илм масканларидан биридир.

МУАЛЛИМЛАР ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

Лицей маъмурияти Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида илмий педагогик таркибни мукаммаллаштириш, таълим сифатини яхшилаш чораларини кўрмоқда.

Бугунги кун педагоги ягона ахборот тизими ва технологияси билан ишлаш оладиган, уларни ёш авлодга еткази биладиган бўлиши керак.

Лицейда ишлаётган 32 нафар олий маълумотли ўқитувчиларнинг асосий қисми чуқур билимга эга бўлган, тажрибали муаллимлардир.

Бундан ташқари, дарсларда АҚШ, Канада ва Жапония Корейанинг тажрибали ўқитувчилари ҳам иштирок этишяпти.

Айни пайтда талабалар учун 300 ўринли ётоқхона қурилиши давом этмоқда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Тошкент шаҳридаги «Марказозиковкатсавдо» шўба корхонасида бугунги кунда 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

БИРГАЛАШИБ ТЕАТРГА

ган. Жамият бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси Любов Аносова ишчиларнинг меҳнат шарафларини яхши ташкил этиш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ташаббуслари билан ўрнак бўлмоқда.

Хусусан, 30 нафар ишчи ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Ўзбек миллий академик драма театрига ажойиб сахна асарларини томоша қилиш учун чипталар ҳамда дам олиш ороғроҳларига йўлланмалар берилди.

Солиққа оид жиноятчиликни аниқлаш, унинг олдини олиш ва бу борадаги камчиликлар бартараф этиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

Булар натижасида 1 миллион 37,5 минг сўм маблағ ихтиёрий равишда давлат бюджетига ундирилди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, содир этилган жиноят ишлари асосан солиқ органига ҳисоботларни нотўғри тақдим этиш орқали олинган даромаднинг яшириш, ўзгалар мулкни ўзлаштириш ва нақд

Ижтимоий ҳимоя

кўмак бериб келинмоқда.

«Хали қиладиган ишларимиз кўп, — дейди корхона касабга уюшма қўмитаси раиси Л.Аносова. — Аввало, биз билан ҳамкорликда ишлаётган «Янгийўл» ҳамда «Бўстон» сияхатгоҳлари маъмуриятига миннатдорчилик билдиришимиз бундан-да юксак.

Бир қанча ишчи-хизматчиларимизга сияхатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар бериш билан бир қаторда кўшимча рағбатлантиришлари ҳам раҳбарият билан келишиб қўйди.

Х. КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири.

Конимех туманининг Серибел номли наслчилик ширкат хўжалигида янги шифохона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Суратларда: шифохона фаолиятдан лавҳалар.

С.ЗУФАРОВ (Ўза) олган суратлар.



БАҒРИКЕНГЛИК — ИЙМОНЛИК ДЕМАК ДИР

Юртимизда азалдан бағрикенглик қадрланган келинган. Чунки айнан ушбу туйғу халқимизни миллат сифатида юксакларга кўтарган.

қаро Бағрикенглик куни»га бағишланган Давра суҳбати ўтказилган. Мазкур йиғилишда Бети Радоннинг ЮНЕСКО томонида 1997 йилда нашр этилган «Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам» деб номланган ўқув қўлланмасининг ўзбекча таржимаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

гун тақдими бўлиб ўтган «Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам» асари шу боисдан ҳам бизнинг халқимиз учун ниҳоятда қадрлидир.

Бағрикенглик кўп асрлар давомида шаклланди ва ушбу жараён ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари ҳамда ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда ҳануз эъзозланмоқда.

Олима КАРИМОВА, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги ЮНЕСКО фуқаролик ва кадрлар таълими кафедрасининг мудири:

«Азалдан ўзбек халқи бағрикенг. Бобомиз Амр Темур хатто асирга тушган жангчиларни ўлимга маҳкум этмай, уларга шифо қўзи билан қараган.

Текширув нимани кўрсатди?

анд» ширкат хўжалиги мансабдор шахслари томонидан 988, 1 килограмм полиэтилен плёнка ва 66 донна шпула — жами қиймати 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот қирим қилинмаган.

рувда фуқаро Хорен Джилодан яширин ҳаётда ширкли ичимлик тайёрлаганили, фуқаро Эркин Қосимовга ҳар бир литрининг сўмдан сотганлиги аниқланди.

«Пахтакор» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи фуқаро Б.Темиров ҳамда «Оқбулоқ» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи Б.Жўраевлар туман ҳокимлиги ҳамда туман ДСИИдан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, аҳолига тегишли хизмат кўрсатиш билан шугулланган.

ОМБОРХОНА КЎЗДАН КЕЧИРИЛГАНДА

бу жиноятнинг асосий айбодори, деб фуқаро Мирзабек Эшонқулони топди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддасига мувофиқ 2 йил ахлоқ тузаатиш ишига жалб этилди.

у ердан 20 донна 5 литр ҳажмли елим идишда ва 12 донна бир литр ҳажмли шиша идишларда қўлбола спиртли ичимлик мавжудлиги аниқланиб, далили ашё қилиб олинди.

Олимжон ЖАББОРОВ, Пахтакор туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

Қишлоқ тадбиркорлари

Қишлоғимизда азал-азалдан қўлигул усталар, хунармандлар яшаган, — дейди Қорағуппа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умар Турсунов.

ПАСТДАРФОН МЕБЕЛИ

Пастдарфон туманининг Қорағуппа қишлоғида мебелсозликни Ўроз ака Ҳамидов бошлаб берган.

Бу хунарни ўрганиб олганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди уста Собир Назаров.

Комила УМИРОВА.

Прокуратурага ариза билан мурожаат қилган тadbиркорнинг фаолияти ўрганиб чиқилди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани, туманда иктисодий ислохотларни жадаллаштиришда ишбилармон сифатида қўшаётган ҳиссаси ва ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари маъқул келаётган бўлса-да, аммо унинг амалдаги қонунларни пухта билмаслиги айрим маъмурий таъкилотлар олдида ўз ҳақ-ҳуқуқини химоя этишда панд бераётгани.

Ишбилармонликни эплаган билан сунъий тўсиқларга барҳам беришда ҳақ-ҳуқуқини химоя этувчи қонунларни яхши билмаслик қанчалик овораю сарсонгарчиликларни келтириб чиқаришини биргина тadbиркор мисолида гапиряпмиз, холос. Аслида орамизда бундай кишилар оз эмас.

Президентимизнинг «Конституцияни ўрганиш тўғрисида»ги Фармойишлари нафақат тadbиркор ва ишбилармонлар, балки, аҳолининг барча табақаларига тааллуқли...

Ўтган даврда туманимиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида махсус дастур асосида корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида илмий-амалий конференциялар, семинарлар, ўқув машғулотлари ташкил этилди. Бундан ташқари ички ишлар

ҚОНУННИ БИЛМАГАН ҲАМ ҲАҚ-ҲУҚУҚНИ БИЛМАЙДИ

идоралари ва прокуратурада махсус ўқув хоналари ажратилиб, туман раҳбарлари учун қонунларни ўрганиш ва унинг ижросини таъминлаш борасида ўзаро фикр алмашишлар, баҳс-мунозаралар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясини ўрганишда, айниқса, ўқув муассасалари ва мактабларда ўтказилаётган тadbирлар диққатга сазовордир. Масалан, мавжуд 44 та ўрта мактабнинг барчасида иккинчи синфдан бошлаб прокуратура ходимлари иштирокида республика қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини чуқур ўргатилмоқда.

Фуқароларнинг қонунлар мажмуасини қанчалик пухта билиши мутахассислар томонидан ку-

Бош Қомусимиз яшашда, амал қилмоқда

затилганда, аҳвол ўтган йиллардаги қараганда анча ўзгарганлиги маълум бўлди.

Умуман қонунларни ҳурмат қилмаслик жиноятларнинг келиб чиқишига, ай-

ганимиз. Бу мактабларнинг барчасида спорт иншоотлари прокуратура саъй-ҳаракати билан қайта таъмирланди ва замонавийлаштирилди. Туманимиз ёшлари

рим раҳбарларнинг кўрсатилган қонунни бузишларига сабаб бўляпти. Биргина мисол. Жорий йилнинг ўтган ойларида туманимизда ноҳақ ишдан бўшатишга 18 нафар киши прокуратура аралашуви билан қайта ўз ўрнига тикланди. Ёки корхона ва ташкилотларда йил бошидаёқ меҳнатқилар ҳақ-ҳуқуқини химоя этувчи касаба уюшма ва раҳбарият ўртасида жамоа шартномаси тузилган бўлишига қарамай, баъзи корхоналарда ишчи вақтида маош тўлаш масаласи сунъий равишда орқага сурилган.

Прокуратура ходимлари иш режасида мактаб ва ўқув муассасаларига эътиборни қулайтириш масаласи кенг ўрин олди. Айни пайтда тумандаги 27 та илмгоҳни оталиққа ол-

спортнинг барча турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда фаол иштирок этишяпти. Улар прокуратуранинг пул ва қимматбахо совғалари билан тақдирланяпти. Дарвоқе, спортнинг футбол соҳасини яхши ўзлаштириб, вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллаган беш нафар ёшларимиз ўтган йили тест синовларини топширмасдан институтларга қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

Мажмурият қимсанов.

АВЛОДЛАР БЕШИГИ

Кўрса кўз қувнайдиган бино. Кенг, ёруғ, замонавий ўқув жиҳозлари, бежирим мебеллар билан жиҳозланган синф хоналари. «Пентум-3» компьютерлари ўрнатилган хоналар, лингафон кабинетлари... Тошкент вилоятида бунёд этилган мутлақо янги 19 та замонавий билим масканидан бири - Охангарон шаҳар маиший касб-ҳунар коллежида биз санашга улгурмаган имкониятлар анчагина. Таълим устаноналари, кутубхона, ошхона, спорт зали, ётоқхона. Яқинда коллежнинг компьютер маркази Интернет тизимига уланди.

Коллеж тикувчилик ишлаб чиқариш, радиотелеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлаши, автомобилларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, сартарошлик санъати ва декоратив косметика йўналишида, 16 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрламоқда. Мазкур хунар маскани бу йил 186 нафар илк қалдирғочини ҳаётга учирма қилди. Уларнинг йигирма нафари имтиёзли диплом соҳиби бўлди.

Битирувчиларнинг 39 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди. 129 нафари эса маиший хизмат шахобчаларида иш бошлади. Йил бошида бу ерда тикувчилик цехи очилиб, Швейцариянинг ўттизта замонавий «Бернина» тикув машинаси ўрнатилди. Ўқувчилар амалиёт ўташ баробарида турли бичимда кийим-кечаклар, чойшаблар тикмоқда. Бюртмалар эса кўп. «Охангаронцемент» корхонаси, «Саховат» ноғиронлар уйи, марказий касалхонага ана шундай бюртмаларини бажариб беришди. Беш-олти ой ичида салкам бир миллион сўм фойда кўрилди. Коллеж қошидаги

«Зиё» ўқув-ишлаб чиқариш тижорат фирмаси фаолият доирасини тобора кенгайтирмоқда. Ўқувчилар фирма корхоналарида амалиёт ўтайди, ўқиш билан бирга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми иш ҳақи сифатида ўзаро тақсимланиб, қолгани коллеж моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчи-педагогларни моддий рағбатлантиришга сарфланаётир.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши коллежда дастуриламал вақфасини ўтамоқда, дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Саодат Анорбоева. - Бош Қомусимизнинг ўрни ва аҳамияти, маъно ва маъмуни, моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва тафак-

курини юксалтириш борасида мунтазам иш олиб боряпмиз. Конституция моҳияти, маъно-маъмуни ёшлар онгига кўпроқ турли турли тadbирлар, танловлар орқали синдирилиши яхши самара бермоқда. «Сен қонунни биласанми?», «Конституция - бахтимиз пойдевори» кўрик-танловлари шулар жумласидан.

Коллежда Конституцияни ўрганиш хонаси, кутубхонада шу мазгуда оид махсус бурчак ташкил қилинган. Бу ерда Бош Қонун тамойилларига мос янги китоблар, газета-журналлар, расмлар кўргазмаси ташкил этиб турилибди. Буларнинг ҳаммаси ўқувчи ёшлар Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини чуқурроқ англаш билан бирга мажбуриятларини ҳам ҳис этишда, ҳаётда муносиб ўрнини топишда ёрдам бериши, шубҳасиз.

(ЎЗА).

Саволларингизга ЎЗКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

САВОЛ: Халқ таълими ва маориф соҳасида ишлаётган ходимлар 3-рўйхат бўйича имтиёзли пенсияга чиқадилар. 3-рўйхатга маориф соҳасидаги қайси лавозимлар киритилган ва шу лавозимда ишлаётган ходимлардан даромад солиғи қанча миқдорда ушлаб қолинади?

3.ШОКИРОВА, Бобот тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати XXV бўлимининг VII қисми I бандига асосан:

1) Маориф соҳасидаги номланишдан қатъий назар барча ўқув юртлари ва болалар муассасалари умумтаълим мактаблари; барча турдаги мактаб-интернатлар; қаб болалар мактаблари, кўзи оғиз, асаб ва бошқа касал болалар учун мўлжалланган мактабларнинг ҳамма тури; санаторий қошидаги мактаблар; ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаблари; умумтаълим хунар-техника мактаблари; ўрта махсус муслиқа ва бадий мактаблар; махсус ҳарбий ўрта мактаби ва билим юртларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тарбиячи устозлар, бўлим мудирилари, уларнинг ўринбосар-

лари; ўқув тарбия бўйича директор ўринбосарлари; ўқув ишлаб чиқариш қисми бўйича директор ўринбосари; синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчилар; ўқув ва ўқув тарбия бўлими мудири; эшитиш кабинетининг мудири ва инструктори; логопедлар, ўқитувчилар; ишлаб чиқариш усталари; педагог-тарбиячилар, узайтирилган кун тарбиячилари; сурдопедагоглар; тифлопедагоглар; ҳарбий дарс ўқитувчилари; ўқитувчи-логопедлар.

2) Болалар уйлари, болалар меҳнат-тарбия колониялари, болалар ишлар, касблар ва тақсимлаш пунктлари, логопед пунктлари ва стационарлари, клиник мактаблар, болалар меҳнат тарбия институтларининг тарбиячилари (тарбиячи раҳбарлар). Директорлар, уларнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари. Мудирлар, уларнинг ўқув-тарбия ва ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари. Педагог-тарбиячилар, сурдопедагоглар, ўқитувчилар.

3) Техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари (педагогика, тиббиёт, қишлоқ хўжалик ва бошқалар); меҳнат резерви тизимидаги ўқув юртлари ва мактаблари (олий ўқув юртларидан ташқари)нинг педагоглари, ўқув ишлаб чиқариш усталари, ўқитувчилари.

4) Болалар боғчаси ва ясли-

боғча бирлашмаларининг тарбиячилари, тарбиячи-раҳбарлар, кутубхона мудирилари ва кутубхоначилар.

Бундан ташқари, даволаш муассасаларига қарашли болалар клиникаси, поликлиникаси, касалхона, санитария ва диспансерлар, ясли ва болалар уйи, касал-

да давлат пенсия таъминоти билан таъминланадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган лавозимда ишлайдиган ходимларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорига асосан 25 фоиздан ортқ бўлмаган миқдорда



хонанинг болалар бўлими, санаториялар, диспансерлар ва колонияларнинг логопедлари, ўқитувчи тарбиячилари, сурдопедагоглари, ўқитувчилари имтиёзли равишда аёллар 50 ёшдан 25 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга бўлган тақдирда, эркаклар 55 ёшдан 25 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлсалар, 3-рўйхатга асосан имтиёзли равиш-

да давлат пенсия таъминоти билан таъминланадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган лавозимда ишлайдиган ходимларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорига асосан 25 фоиздан ортқ бўлмаган миқдорда



хонанинг болалар бўлими, санаториялар, диспансерлар ва колонияларнинг логопедлари, ўқитувчи тарбиячилари, сурдопедагоглари, ўқитувчилари имтиёзли равишда аёллар 50 ёшдан 25 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга бўлган тақдирда, эркаклар 55 ёшдан 25 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлсалар, 3-рўйхатга асосан имтиёзли равиш-

моқдасида куйидаги интизомий жазо чоралари белгиланган:

1) ҳайфсан;
2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) фоизидан ортқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳодимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) фоизидан ортқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;
3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (МК 100-модда иккинчи қисми 3- ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш таъқиқланади. Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган ишчи ва хушхўрлик бўлимида қўлланилади. Интизомий жазони қўллашда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вақти, ҳодимнинг олдинги иши ва хушхўрлик бўлимида олинади. Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Ўғирлик қилганлиги учун ҳодимга нисбатан интизомий жазо тариқасида ишдан бўшатиш чораси қўлланиладиган бўлса, агар жамоа шартномасида касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш белгиланган бўлса, бундай розиликни олмай туриб, меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ЎзР МКси 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларининг рўйхати корхона ички меҳнат тартиби қоидалари; корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси; айрим тоифадаги ҳодимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги Низом ва Уставлар билан белгиланади.

Агар корхонада, айтиб ўтилган норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлмаса, юқоридаги асосга кўра иш бевуғчи ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Шунинг учун барча корхона ва муассасаларда жамоа шартномаси билан бир вақтда ички меҳнат тартиби қоидаларини ҳам қабул қилиш муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Агарда корхона ички меҳнат тартиби қоидаларида «ўғирлик» меҳнат интизомини қўпол бузишлар рўйхатига киритилган бўлса, у ҳолда иш бевуғчи ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан ҳодимни уч кун олдин огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, ҳодимнинг ўғирлик туфайли корхонага етказган моддий зарари тўла ҳажмида қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

Бугунги ижтимоий ҳаётимизни почта ва телекоммуникация хизматисиз асло тасаввур этиш мумкин эмас. Мустақиллик йилларида бу соҳа ҳам сезиларли даражада ривожланди, замонавий воқитлар билан жиҳозланди.

ХИЗМАТИ БАРЧАГА МАНЗУР

«Қашқадарё почтаси» очик акциядорлик жамияти Чирокчи туман филиали жамоаси ҳам 2002 йил иккинчи ярим йиллик обунаси бўйича бир қанча ишларни амалга оширди. Ҳозир мазкур филиал хизматида 273 мингдан кўпроқ аҳоли фойдаланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари моб йнида вақтли матуот нашрлари учун 40 миллион сўмликдан ортқ обуна расмийлаштирилди. Айниқса, бу ишда «Истиқлол» акциядорлик жамияти, «Бешчашма», «Зарбдор», «Ўзбекистон» каби ташкилот ва хўжаликлар фаол иштирок этишди.

— Ҳозиргача бажарилган иш қўламини, дейди филиал раҳбари Кенжа Жуманов, - 2 миллион сўмни ташкил этди. Яъни, ўн ойлик режа 104 фоизга удаланди. Галдаги вазифа эса хизмат кўрсатишнинг қўшимча турларини жорий этиш. Бундан кўзланган мақсад почта фаолиятини янада яхшилашга эришишдир.

Мазкур жамоада айни пайтда 118 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор бериллаётир. Илгорларни доимий тарзда рағбатлантириб бориш аънана тусига кириб бормоқда.

А. АЛЛАМУРОВОВ, «Ишонч» мухбири.

Оқ олтин туманидаги «Сардоба» пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам мавсумни уюшқоқлик билан олиб боришаётир.

СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Корхонадаги пахтани қайта ишлаш технологиясининг аксарият дастоҳ ва агрегатлари янгиланганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб, сифатини ҳам яхшилашга эришилди. Шу боисдан корхона экспорт салоҳияти ҳам ортмоқда. Ҳозиргача 500 тоннадан ортқ тола хорижий давлатларга экспорт қилинди. Бундай ишларда Йўлдош Ниёзалев, Эрбул Тўймаев етакчилик қилаётган бригадалар аъзолари айниқса, жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, корхона касаба уюшма кўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор бериллаётир. Хусусан, байрамларда моддий ёрдам, ёғ, гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нарҳда бериб борилади. Бу борада корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик ўз навбатида ишлаб чиқариш самардорлигининг ошишида муҳим омил бўлаётир.



Тошкент Давлат Аграр Университети касаба уюшма кўмитаси профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Моддий рағбатлантириш, маданий-маърифий ва спорт тadbирлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда Университет ахлининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоялаш мақсадида «Университет Омбудсмани» ташкил этилди.

Суратларда: касаба уюшма кўмитаси раиси Урозмамат Каландаров аъзолар билан; Университет талабалар ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Зоҳиджон Соҳибов фуқароларнинг ҳуқуқлари борасида тушунча бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини ижтимоий химоя қилиш ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган Қарори асосида амалга оширилаётган ишлар жойларда ўзининг самарасини бермоқда. Шахрихон тумани матлуботсавдо хиссадорлик жамияти жамоаси ана шу ҳужжат асосида фаолиятини такомиллаштираётган боис аҳоли фаровонлиги йил сайин яхшиланиб бораёпти. Айни пайтда хиссадорлик жамияти туман қишлоқларида истиқомат қилаётган 63 минг 800 нафар аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда қарамоғида ҳеч кими йўқ, ноғирон ва ёшга доир оилалар мунохофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳуқумат томонидан белгиланган имтиёзлар асосида аҳолига маҳсулот етказиб бериш билан бир қаторда жамиятнинг ўзида ҳам бу борада қатор ишлар адо этилмоқда. Масалан, жамият аъзолари ташаббуси билан ички имкониятлардан келиб чиқиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Унда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор нарҳларидан



ИРКУТСК ШАҲРИДА Ўзбекистон савдо уйи

паст баҳода аҳолига етказиб бериляпти. Меҳнат ва уруш қатнашчилари ҳамда Чернобил ҳалокати иштирокчилари учун 2 та озик-овқат савдо тармоғи ишлаб турибди. Шунингдек, 20 та болалар боғчаси ва мактабларнинг ўқувчилари хиссадорлик жамиятининг ҳимматидан мамнун.

Истиқлол берган имкон

ладан, Россиянинг Иркутск шаҳрида «Шахрихон савдо уйи» очилгани туман аҳолисининг экспорт ва импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга имкон берди. Хиссадорлик жамият соф даромад ҳисобидан 50 нафар кам таъминланган оилаларни, тумандаги 2-лицей, шифохона, 17, 4-, 12- мактабларни ўз оталиғига олган.

— Йил бошидаёқ касаба уюшмаси ҳамкорлигида жамоа шартномасини тузиб олганмиз, - дейди корхона раҳбари Йигитали Қобулов. — Унга қать-

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида мусаввир Журъат Раҳмонийнинг шахсий кўргазмаси очилди.

МУСАВВИРНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Журъат Раҳмоний республикаамиз ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келади. Ушундан у 2000-2002 йилларда Парижда бўлиб ўтган «Мустақил рассомлар» йиллик халқаро кўргазмасида иштирок этган.

Тошкентда очилган мазкур кўргазмада инсон ва унинг тақдири мусаввир асарларининг бош мазмунини ташкил этади. Рассом томошабинларга ўз қаҳрамонларини турли тасвирлар воситасида, баъзан эса ишоралар орқали таништиради.

(ЎЗА)

ТЕРМА ЖАМОАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлиши, ёшларимизнинг таълим-тарбиясига ва уларнинг жисмонан соғлом бўлишига боғлиқдир. Шунини эътиборга олиб яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги фармони» эълон қилинди. Шунга асосан Хоразм вилоятида ҳам жиддий ишлар бошлаб юборилди. Келгусида «Умид ниҳоллари 2003» спорт мусобақалари Хоразмда ўтказилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан шаҳарнинг шимолий қисмида йирик спорт мажмуаси барпо қилишга киришилди. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма кенгаши бу спорт байрамни муваффақиятли ўтказиш мақсадида ўз тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Вилоят ёшларидан 39 нафари «Умид ниҳоллари 2003» спорт мусобақаларида қатнашиш учун пухта тайёргарлик кўришмоқда. Шулардан 16 нафари дастлабки саралаш босқичида голиб чиқиб, вилоят терма командасига қабул қилинди.

қилинди. Айти пайтда бу ёшлар ўз маҳоратларини оширишяпти. Тайёргарлик ишлари — миллий кураш, футбол, волейбол бўйича қизгин тус олмақда. Спортчиларга Ўқтам Хўжаниёзов, Ёвбосар Шомуротов, Музаффар Усмонов каби тренералар мураббийлик қилмоқдалар.

КАЛЬЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИ

Хукуматимизнинг Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш ҳақидаги қароридан кейин Хоразм вилоятида бу борада кенг миқёсда ишлар бошлаб юборилди. Республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вилоятдаги бошқарувида 4 та болалар ва ўсмирлар мактаби фаолият кўрсатаётган эди. Шулардан 2 таси Урганч шаҳрида, биттаси Гурлан, иккинчиси Шовот туманларида. Вилоят касаба уюшма кенгаши вилоят спорт комитети билан ҳамкорликда ана шу спорт мактабларининг мураббий ва ўқитувчиларини аттестациядан ўтказди. Мактабларнинг 55 нафар маъсул ходимларидан 4 нафари ўз вазифасига лаёқатсизлиги маълум бўлди. Шунингдек қарорда кўрсатилгандек жамғарма фаолиятини

Болалар спорти

ташкил қилишга доир чора-тадбирлар тузилиб, уни амалга оширишга киришилди. Вилоят касаба уюшмалари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 4 та спорт мактабида спортнинг 9 тури бўйича 2556 нафар ўқувчи ёшлар шугулланади. Самбо, миллий кураш, дзюдо, оғир атлетика, футбол, волейбол, велоспорт, бокс, эркин кураш турлари бўйича машгулотлар кизгин тус олмақда.

Касаба уюшмалари Кенгаши ўтган йил хайрли бир ишни ташаббускори бўлди. Шовот туманидаги 4-сон мактаб қошида ногирон болалар мини футбол тўғраги ташкил қилинди. Айти пайтда болаларга малакали тренер Бахтиёр Собиров раҳбарлик қилмоқда. Тинимсиз машгулотлар ўз самарасини берди. Жамоа бу йил Олма-ота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари биринчи махсус Олимпиадасида қатнашди ва фахри ўринлардан бирини эгаллади. Спорт ўқсик қалбларга қувонч, бахт ва соғлиқ олиб келди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.



Марғилоннинг «Чорчинор» маҳалласида истикомат қилаётган Сотволди Шокировни ҳамма «бешиқсоз уста» дея ҳурмат қилади. Негаки, у ясаган бир-биридан чиройли, безакли бешиқлар кишини бефарқ қолдирмайди. Бу қўли гул устанинг ота-боболаримиз касбини тутгани ва қўлбал шогирдлар етиштираётганлиги кўхна аъёнларимизнинг мангуликка дахлдорлигидан далолатдир.

Суратда: уста Сотволди Шокиров набираси Рустамжон билан. Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

БОЙҚОЗОНГА БИР КЕЛИНГ

«Бойқозон» Паркент туманидаги илгор хўжаликлардан саналади. Чунки, «Бойқозонлик»лар ўзларига хос йўналишларни, тараққиётга олиб борадиган тамойилларни изламоқдалар. Шу босидан хўжаликда барча соҳаларда ютуқлар кўзга ташлана бошлади.

Шунингдек, сўнгги йилларда қишлоқ аҳли турмуш тарзини яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодини соғлом, билимли, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш учун шароит яратиб беришда ҳам мазкур жамоада ибратли ишлар амалга ошириляпти. Яқинда ана бир хайрли ташаббусга қўл урилди. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган «Маданий-маи-



ший спорт комплекси» хўжалик томонидан қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган мазкур маскан 400 ўринли киши клуб, 300 ўринли спорт зали, 100 ўринли чойхона, 400 ўринли

тўйхона, 300 ўринли теннис корти, стадион ва кутубхоналарни ўз ичига олган. Эндиликда мазкур мажмуа «Бойқозонлик»ларнинг ҳақиқий маърифат қозонасига айланади. Ҳа, бу ерда ибрат олса арзигулик ишлар бир талай. Яхшиси

Бойқозонга бир келинг! Ахир айтишадик, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, деб...

Суратда: маданий-маиший спорт комплексининг умумий кўриниши.

Олмониядаги Оснабрюн Университети билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўртасида қарор топган илмий алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳамкорлик лойиҳасининг юзага келишида ҳам бундай яқин муносабат муҳим ўрин тутди.

ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

Ана шу нуфузли лойиҳа доирасида уюштирилган анжуман «Она ва бола саломатлиги» деган мавзуга бағишланди. Польша республикасининг Катавици шаҳрида бўлиб ўтган бу халқаро тиббий тадбирга Швейцария банки раҳнамолик қилди. Анжуман кун тартиби бўйича педиатриянинг неонатология ва нерриология соҳалари муаммолари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистондан борган делегацияда давра суҳбатларида қатнашиб, республикаамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди.

Олий ўқув юртининг полиликника педиатрия кафедраси мудири профессор А.Исроилев ҳам янги дўстлар орттирди.

А.АЛИЕВ.

Оғир атлетика

ПОЛВОНЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Ўтган дам олиш кунлари, пойтахтдаги РОЗИСК спорт залларида оғир атлетика бўйича Тошкент вилояти очик биринчилиги ҳамда халқаро классдаги спорт устаси, жаҳон рекордчиси Эркин Каримов соврини учун болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Баҳсларда Андижон, Хоразм, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси ҳамда пойтахт вакиллари голиблик учун курашдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги фармони ва хукуматимизнинг шу ҳақдаги қарорларидан сўнг жойларда сезиларли тадбирлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, мазкур мусобақа ҳам болалар ва ўсмирлар ўртасида оғир атлетиканинг оммавийлигини оширишга хизмат қилади.

— Соғ танда, соғлом ақл, деганларидек, спорт болалар тарбиясида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди, — дейди мусобақа ташкилотчиси Эркин Каримов.

— Биз мусобақани ўтказишга, аввалдан ҳаракат қилиб келаётгандик. Бирок баъзи бир муаммолар туфайли уни ташкил қилиш кейинга сурилиб келинаётган эди. Фармон бизга жуда катта туртки бўлди. Спорт болалар ва ўсмирларни соғлом ва бақувват бўлиб ўлғайишларида катта ёрдам беради. Қолаверса, спортга ошно бўлган ўспириндан ҳеч қачон ёмон одам чиқмайди. Аксинча спорт ёшларини она-Ватанга муҳаббат ва унинг шаънини ҳимоя қилишга ўргатади.

Қизгин курашлар остида ўтган баҳсларда Улугбек Алимов (Олма-

зор), Аҳмад Худойбердиев (Андижон), Мурод Юсупов (Андижон), Ихтбек Иноғомов (Чирчиқ), Отажон Матқубов (РОЗИСК), Алекс Скоробогатов (Тош. вилояти), Мансурбек Чошимов (Қорақалпоғистон Рес.), Юрий Хеникин (Тошкент), Сергей Маслов (Тошкент), Отабек Воисов, Владислав Кудричевлар ўз вазн тоифаларида голиблик шохсупасига кўтарилдилар. Биз мусобақа сўнггида иштирокчилар фикри билан қизиқдик.

Мансурбек ЧОШИМОВ, мусобақа голиби.

— Биз спортчилар учун бундай турнирлар айти муддао. Чунки бу баҳслар биз учун тайёрлов вазифасини ўтайди. Турнир ташкилотчиларига раҳмат.

Хушнуд СОЛЕЕВ, РОЗИСК мураббийи, турнир ташкилотчиси.

— Баҳсларда иштирок этган шогирдларим голиблик учун астойдил курашдилар. Бу турнир улар учун тажриба мактабини ўтайди, албатта, келгусида турнирга Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари ҳам таклиф этиш ниятимиз бор.

Валерий КИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

— Биз мусобақаларга Андижондан келдик. Турнир жуда яхши ташкил этилган. Доим шундай мусобақалар ўтказиб турилса, жуда яхши бўлар эди. Яна бир гап, нима учун биз доимо хотира турнири ўтказамиз. Таниқли спортчиларимиз ҳаётлигида ҳам улар таъсис этган совринлар учун мусобақалар ўтказиб бўлади-ку?

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири.

Норин туманига йўлимиз тушганида банагоҳ Шахидмозор қишлоғида бўлаётган тўйга таклиф этишди. Мехмонлар учун ажратилган хонада ўтирарканмиз, уй тоқчасидаги сув қозоғга ўраб қўйилган ўтмиш атиқаларидан хисобланмиш патефон қўзимиз тушди. Ажабо, магнитофоннинг минг тури пайдо бўлган ҳозирги замона-я!

— Оила учун табаррук эсдалик бу, — дея бизга изоҳ беришди мезбонлар. — Бу, отамизнинг оталаридан қолган мерос. Қолаверса, у олис-олис ўлкаларда Ўзбекистонни, ўзбек элини эслатиб турган...

Украинанинг Херсон вилоятидаги ўрмонзор ва қанишзор Каховка туманига сургун қилинган Камоловлар оиласи бир неча йилдири, шу ерда яшади. «Дохий» Сталин «ота учун бола жавобгар эмас» дея эълон қилган бўлса-да, оила соҳибни Мадамин Камолов қишлоқдаги ўзига тўқ, бир неча гектар боғи, экин майдонлари ва ўн бошдан ортиқ чорва моллари бўлгани боис ўттизинчи йил бошларида тунда олиб чиқиш кетилганича на ўлигидан, на тиригидан дарак топилмади. Хонадан аэзолаги бор-бўладан ажралгани етмаганидек, 1936 йилда қўлга олинган Камоловларга қўшиб гадоий топмас ва кеча-кундуз чивинлар тинч қўймайдиган кимсасиз хуффа сургун қилиндилар. Улар зиммасига қуёш елкани дурустроқ илтимайдиган шу жойларда пахта етиштириш вазифаси юклатилди.

Кўплар бу ернинг об-ҳавоси, намчил иқлими ва пашша-чивинлар тарқатган касалликларга чидолмай ўлиб кетишди. Аввалига ертўлада яшашди, кейин гуваляк қуйиб бостирмасифат кулбалар қуриб олишди. Тирик жон яшаш учун интилади, деганларидек, ўрмондан ўтин тайёрлаб, турли меваларни териб, иложини топиб дехқончилик қилиб бозорга чиқариб сотиб кун кўришарди. Шароит қандай бўлмасин, ҳаёт ўз измида давом этар, қизлар бўйга етар, болаларнинг мўйлаби сабаза уриб, йигит бўлишарди. Шулар сингари Камоловларнинг акалука Зиёвдин ва Абдусаттор исми ўғиллари ҳам вояга етишди. Улардан биринчиси Андижоннинг Шахрихони-

УКРАИНАДА ЯНГРАГАН ДИЛРАБО ҚЎШИҚ

дан кўчирма қилинган Патилахон деган қизга кўнгил қўйиб ўйланди. Аммо тўйда тўрт-беш қариндош ва қўни-қўшини қаратнашди холос. Зиёвдиннинг армони шу бўлдики, келинга ҳеч бўлмаса пальто совға қилишнинг иложини топа олмади. Ахир, қор белгача ёғадиган Украина ша-роитида юпка тўнда қан-дай юради. Ёз бўйи ўзини ҳар тарафга урди, ўтин сотди, мева терди, пича пул тўплади ва куз ойларида бозорга борди.

Гавжум бозорни айланаркан, кулоғига ёқимли куй ва юракни эзувчи ўзбекча қўшиқ эшитилди. Атрофга аланглади. Шундоқ яқинида соқоли ўсган, эгни хароб бўлган киши патефон қўяётган эди. Зиёвдин сингари эгни хароб бир неча ўзбек кўзларида милтиллаган ёш билан уни ўраб туришарди. Улар қаторига йигит ҳам қўшилди. Сал ўтмай патефон эгаси қолқоқни ёлди.

— Ким сотиб олмоқчи бўлса, олсин, мен кетаман!

Матох эгаси айтган пул анчагина эди. Бунақа мард топилмади. Шунда Зиёвдин шартта пулни чиқарди.

— Пластинкалари билан олишга мен харидорман! Уйига қинлашяпти-ю, юраги така-пука: Хотини нима деркан? Ахир унга пальто келтирарман, деганланди-ку. Ўрмондан мевани ҳам бирга теришган, бозорга чиқариб сотишган ўтинни ҳам ёнмаён юриб тайёрлашган...

Эткни ечиб тўшакка ўтирди-ю, патефонни қўйди. Хонада ёқимли тарона янграй бошлади. Зиёвдин хотинини зимдан кузатарди. Патилахон кўзларида пайдо бўлган ёшни кўриб аввала кураги юраги ҳаприқди. Кейин лабида ўйнаган та-бассумни кўриб қолди.

— Шундай бўлиб қолди, пальтогаям бирон иложини топармиз, —

Яқин ўтмиш садоси

деди айбдордек.

— Ҳеч қиси йўқ, янаги йил олиб берарсиз, та-шқарига камроқ чиқар-

этилдилар.

— Дадам 1941 йилда ёки мен бир ёшлигимда ўша пайтда сургун

ман қишда. Бир тарафи ботқоқ-зорга улашиб кетган қишлоқда шу кунни тўй бўлди гўё. Тонггача одамлар узилишмади. Ўн йилга яқин вақтдан бери ўзбекча куй-қўшиқни эшитмаган сургундагилар эзиллиб йиллашарди. Халимаҳоним ва Тамара-хоним, Тўйчи хофиз, Маъмуржон Узоқов ва Юнус Ражабийларнинг хонишлари уларнинг қалбларини ўртар, узок-узокларда қолиб кетган жонажон Ўзбекистонга нисбатан соғинч ва муҳаббатларини баттар алангалатарди. Шу тариқа хар оқшом тўпладиган бўлиб қолишди. Ҳамюртларнинг кечалари бир жойга йиғилиб-ётганликлари бора-бора «хукумат одамлари» кулоғига етиб борди. НКВДчилар етиб келишди ва Камоловлар хонадонининг гуваляк деворларига кавлаб кўришди, гўёки улар тўпладиган давлатга қарши ташвиқот юргизишяпти, антисовет варақалар чиқаришяпти, деган тўхматларни исботлашмоқчи бўлишди. Бадарга қилинганлар кейинчалик бошқача йўл тутишди, патефонни навбатма-навбат олиб кетиб ўйлариде эшитишадиган бўлишди. Зиёвдин эса рўзғор хариди учун хар гал бозорга борганида, албатта ўзбекча қўшиқлар ёзилган пластинкаларни олиб келарди.

Орада уруш бошланди. Энди «кўчирма қилинганлар» хукумат органлари томонидан баттарроқ сиқувга олинди. Игга ярайдиган эркаклар дарҳол рўйхатга тушди ва хар қадамлари назорат қилина бошлади. Сал ўтмай улар яъни халқ душманлари фарзандлари армияга қақирил-маса-да, ундан баттарроқ жойга, меҳнат фронтига, оғир ва машаққатли меҳнатга жалб

қилинган кўплар қатори фронт ортига Магнито-горск шаҳрига жўнатилган экан, — дейди бизга бу аянчли кечмиши одамлар узилишмади. Ўн йилга яқин вақтдан бери ўзбекча куй-қўшиқни эшитмаган сургундагилар эзиллиб йиллашарди. Халимаҳоним ва Тамара-хоним, Тўйчи хофиз, Маъмуржон Узоқов ва Юнус Ражабийларнинг хонишлари уларнинг қалбларини ўртар, узок-узокларда қолиб кетган жонажон Ўзбекистонга нисбатан соғинч ва муҳаббатларини баттар алангалатарди. Шу тариқа хар оқшом тўпладиган бўлиб қолишди. Ҳамюртларнинг кечалари бир жойга йиғилиб-ётганликлари бора-бора «хукумат одамлари» кулоғига етиб борди. НКВДчилар етиб келишди ва Камоловлар хонадонининг гуваляк деворларига кавлаб кўришди, гўёки улар тўпладиган давлатга қарши ташвиқот юргизишяпти, антисовет варақалар чиқаришяпти, деган тўхматларни исботлашмоқчи бўлишди. Бадарга қилинганлар кейинчалик бошқача йўл тутишди, патефонни навбатма-навбат олиб кетиб ўйлариде эшитишадиган бўлишди. Зиёвдин эса рўзғор хариди учун хар гал бозорга борганида, албатта ўзбекча қўшиқлар ёзилган пластинкаларни олиб келарди.

Орада уруш бошланди. Энди «кўчирма қилинганлар» хукумат органлари томонидан баттарроқ сиқувга олинди. Игга ярайдиган эркаклар дарҳол рўйхатга тушди ва хар қадамлари назорат қилина бошлади. Сал ўтмай улар яъни халқ душманлари фарзандлари армияга қақирил-маса-да, ундан баттарроқ жойга, меҳнат фронтига, оғир ва машаққатли меҳнатга жалб

Жалолдин ака патефонни сақлаб келар-ётганликлари боисини шундай изоҳладилар:

— Биринчидан. отамиздан мерос, иккинчидан ҳозирги ёшлар мустақиллигимиз қадрига етишлари учун, бу ҳақда уларга гапир-риб бериш учун асраб келаялман, бу матох-ни.

Йўлдошали САМИЕВ, Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон енгил, мебел сановати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кумитаси Фарғона вилоят тармоқ касаба уюшма кумитаси раиси Сапура Собиров вага турмуш ўртоғи Толижон СОБИРОВнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21-00

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қурсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилган. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.